

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1200-ҳадис**

1200 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ
افْتَتَحَ صَلَاتَهُ بِكُوعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [867].

1200. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси (таҳажжуд намоз ўқиш учун) турсалар намозларини енгил икки рақъат билан бошлардилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган ҳолда тундаги таҳажжуд намозни икки рақъат енгилгина намоз билан бошлаш лозимдир. Албатта бундай қилиш уйқу асоратини кетказиб, олдиндаги намозга тайёргарликдир.

Манба: hadis.islom.uz

